



Русия мусулмонларининг «Тарихчайи адабиёт»ини ёзадиган киши бўлса, ушбу 1906 йилни «тил йили» деб билади.

23 йилдан бери «Таржимон» кўллаётган содда ва очик туркий тили калам ва мажлис тили макомига кирмокда эди. Лекин бу йил хар вилоятда бир-икки махаллий газеталар таъсис килиниб, хар бири бирор турли шевада калам юргиза бошлидилар. Хар тарафда вилоят ва тараф одимлари кўрилди. «Умумий лисон», «Лисони адабий» маслаки буюк ва илмий бир тажрибага солинди. Озарбайжон, Туркистон ва Козон бирор шўъбага, бирор шевайи адабияга ажратиладими ёки тавхиди лисон (тил бирлиги) масаласи сабит коладими?

Маслаки умримиз бўлган тавхиди лисон масаласида биз бир нукта ортга чекилмадик ва чекилмаймиз... Хам ортга чекилишга на эшик, на йўл колди. Миллат яшасун!.. Мурод ва хукмни катъяян бу йил англанди. Вилоятларнинг хусусий фоидалари ёки маорифи ибтидоийянинг осонлик билан ёйилиши учун, муваккат ўларок, шевайи махаллия истеъмоли жоиз кўрилса-да, «тавхиди лисон», «лисони умумий ва адабий» кераклиги хозирни ўзидан хукм килинди.

Умумий «Иттифоки муслимин» мажлисларида сўзлашув «лисони умумийи туркий» билан олиб борилганидан хар тарафдан келган вакилларнинг бир-бирларини тушунишлари бу лисон соясида воеъ бўлиши, Иттифоки миллия карорлари барчаси лисони туркий или ёзилиши, бу йил махаллий шева ёки тоторча номи-ла калам юритган аксар мухарирр биродарларимизинг тиллари тўккиз ойда юзда тўксон даража «турклашгани» ва йигирма турли газеталар пайдо бўлганда хам «Таржимон»нинг хеч муштарииси озаймай, баъзи ерларда кўпайгани тил бирлиги маслагининг миллат томонидан катъийян кабулининг самарасидир.

«Таржимон» умум миллатнинг таржимони, лисони турк умум миллатнинг тили эканлигига шак ва шубха йўқдир.

Яшасун миллат! Бу миллат яшаши керак! Чунки тушунадиган тили ва тил бирлиги фикр ва адабиёт бирлигига сабаб бўлиб, бу эса, иш, амал ва харакат бирлигини пайдо килиб, натижаси нажот бўлади.

Кавказда, Туркистонда, Русия ичкарисида 24 йилдан бери «Таржимон»ни ўкиб келганлар юзларча бор. Ўн, ўн беш, йигирма йилдан бери ўкиб келганлар мингларча бор... Тавхиди лисон, иттифоки миллия афкорига, мактаблар ва ўқитиш ислохига буюк ва жиддий хизмат килиб келганлар булардир. Нима дейишимиз мумкин, яшасин таржимончилар!

Богчасарой, 18-декабр «Таржимон» г., 1906 й., 142-сон